

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ****136 Тижорат ташкилотлари таъсис ҳужжатларининг на-
мунавий шаклларининг 6-иловасига ўзгартиришлар
киритиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2848-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 1 февралдаги ПҚ–2750-сон «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2016 йил 20 декабрдаги 294-мх-сон «Тижорат ташкилотлари таъсис ҳужжатларининг намунавий шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2848, 2016 йил 20 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 51-сон, 586-модда) 6-иловаси 2 ва 6-бандларидан «туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Болиев) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Давлат хизматлари кўрсатишни мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бошқармаси (М. Махмудов) ҳамда Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси (А. Очилов) ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

9 (769)-сон

— 59 —

136-137-моддалар

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Усманов зиммасига юклансин.

Вазир

М. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 28 февраль,
38-мҳ-сон

Келишилган:

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ШАЙХОВ

2017 йил 28 февраль